



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko‘ksaroy maydoni, 1-uy.

2022 - yil 21 - noyabr

446-7-0-Q/22

Samarqand viloyat hokimligi

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–81-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2022 йил 26 августдаги 03-07/3919-сонли хатига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликларида коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини янада такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қуйидагилар:

вилоят ҳокимлигига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти 1-иловага;

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида Контрагентларни текширишга оид йўриқнома 2-иловага;

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низом 3-иловага;

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида давлат харидларини ўтказиш тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ёрдамчилари, маслаҳатчилари, гуруҳ раҳбарлари, котибият мудирлари, бўлим бошлиқлари ва ходимлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда ходимлари доимий равишда ушбу ишлаб чиқилган қоидаларга риоя этилишини таъминласинлар.

3. Вилоят ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳи (Б.Рахматуллаев), туман ва шаҳар ҳокимликларига илк бор ишга қабул қилинаётган ходимларни ушбу ишлаб чиқилган

қоидалар билан тўлиқ таништирилишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ураков зиммасига юклансин.

Вилоят ҳоқими



Э.Турдимов



Samarqand viloyat hokimining
2022 yil 21 noyabrdagi
446-7-0-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Вилоят ҳокимлигига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти

1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур вилоят ҳокимлигига алоқа каналлари орқали вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти, вилоят ҳокимлигида коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва тегишли таъсир чораларини кўришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Регламент вилоят ҳокимлигидаги алоқа каналлари орқали, коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳақида келиб тушган хабарлар билан ишлашнинг асосий тамойиллари, шунингдек, хабарларни қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, ҳокимлик раҳбарига ҳисобот тақдим этиш тартибини белгилайди.

3. Мазкур Регламент мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ишонч телефони – ҳокимликка телефон орқали келиб тушадиган мурожаатларни марказлашган ҳолда қабул қилиш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек, ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини мониторинг қилиш имконини берувчи тизим;

муурожаатчи – алоқа каналлари орқали ҳокимликдаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун мурожаат қилган ҳар қандай жисмоний ва (ёки) юридик шахс, ходим;

манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ҳокимликларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

коррупция – шахсининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиш;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкый ҳуқуқлар, мулкый характердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда

воситачилик қилишда, расмийчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

коррупцияга қарши курашиш тизими – амалдаги қонунчилик ва ички ҳужжатларни коррупциявий жиҳатдан бузилишини бартараф этиш, ҳокимлик ходимлари томонидан юқори даражада касбий ва ахлоқий фаолият олиб боришларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

коррупциявий хавф-хатар – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан ҳокимлик номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий ҳаракатларни содир этиш хавфи;

тааллуқли хабар – ҳокимликдаги коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган хабар;

ходим – ҳокимлик билан меҳнат муносабатларига киришган шахс;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида ўзи ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий бойликлар, бошқа мол-мулк ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорий ёки нотижорий манфаатлари).

4. Вилоят ҳокимлиги коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ахборот беришга мўлжалланган алоқа каналларининг ишини қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этади:

конфиденсиаллик ва хавфсизлик – алоқа каналларидаги хабарлардан фойдаланишга рухсат берилган вилоят ҳокимлигининг барча ваколатли шахслари ушбу хабарларни ваколатга эга бўлмаган шахсларга бериш (ошкор қилиш) га ҳаққи йўқ. Агар мурожаатчи ўз хабарини юборганлиги ҳақида бошқа ходимларга ёки учинчи шахсларга ўз хоҳишига кўра, жумладан, эҳтиётсизлиги натижасида ошкор қилган бўлса, вилоят ҳокимлиги унинг ошкор бўлишига жавобгар бўлмайди;

қонунийлик – вилоят ҳокимлиги алоқа каналларига келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқиш қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талаблари ва ушбу Регламентга мувофиқ амалга оширилади;

мурожаатчининг таъқиб қилинмаслиги – алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ўз хоҳишига кўра хабар берган жисмоний ва юридик шахс, хусусан Ҳокимлик ходими хабарнинг мазмунидан қатъий назар бирон-бир жавобгарликка тортилмайди;

мурожаатчи билан мажбурий тартибдаги қайта алоқа – агар хабар аноним бўлмаса, уни кўриб чиқиш натижалари ҳокимлик томонидан мурожаатчига етказилиши лозим;

таъсир чораларини қўллашнинг мажбурийлиги – коррупция факти тасдиқланган тақдирда, ҳокимлик айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳаракат қилади.

2-боб. Коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақида ахборот бериш учун алоқа каналлари

5. Тааллуқли хабар қуйидаги алоқа каналларидан юборилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси (<https://pm.gov.uz/>);

вилоят ҳокимлигининг алоқа каналлари:

ҳокимликнинг “ишонч телефони” 66-230-42-62 ёки 1177 қисқа рақамли;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари учун ҳокимликнинг электрон почтаси (<https://samarkand.uz/appeals/add>);

фуқаролар мурожаатларини қабул қилиш учун Телеграм канали (@eot2060);

ҳокимликга оғзаки (шахсан) мурожаат қилиш;

мазкур Регламентда кўрсатилмаган бошқа алоқа каналлари.

6. Ҳокимликнинг алоқа каналлари тўғрисидаги ахборотни расмий веб-сайт ва ижтимоий тармоқдаги саҳифа ва каналларига жойлаштиради, шунингдек, ходимларга даврий равишда юбориладиган электрон хатлар тарқатмаларига ва ўқув материалларига киритади, ҳокимлик биносида жойлаштириладиган тематик плакатлар ва ҳоказоларда акс эттиради.

3-боб. Алоқа каналлари орқали келиб тушаётган тааллуқли хабарларни қабул қилиш

7. Вилоят ҳокимлиги коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси, вилоят ҳокимлигининг алоқа каналларидан келиб тушган вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳуқуқбузарликларга доир хабарларни кўриб чиқишга масъул ҳисобланади.

8. Вилоят ҳокимлигининг қуйидаги алоқа каналларидан келиб тушган тааллуқли хабарлар “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-445-сон Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 341-сон қарори билан тасдиқланган низом талабларида назарда тутилган тартибда рўйхатга олинади ва резолюция учун вилоят ҳокимиغا чиқарилади:

бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали;
вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти ёки электрон почтаси орқали;
вилоят ҳокимлигининг телефон рақамлари орқали (ишонч ва бошқа иш телефон рақамлари орқали);
вилоят ҳокимлигига оғзаки (шахсан) мурожаат қилиш;
ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орқали келиб тушган мурожаатлардир.

9. Вилоят ҳокимлигининг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари ва телеграм боти орқали вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ходимлари томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлигига доир келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш учун вилоят ҳокимлиги коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбасига юборилади.

Бунда, тааллуқли хабар келиб тушганда вилоят ҳокимлиги коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси масъул ходими мурожаатчи билан электрон ёзишма йўли билан ёки телефон орқали боғланиб зарур ахборотни аниқлаштиради, хабарни Реестрда рўйхатга олади ва маълумотни вилоят ҳокимиغا киритади.

Вилоят ҳокимлиги коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбасига келиб тушадиган хабарларни душанбадан жумагача соат 09:00 дан 18:00 га қадар таҳлил қилади. Агар хабар иш вақтидан ташқари пайтда келиб тушса, бу хабар навбатдаги иш кунда аниқлаштириш учун сақланади.

10. Агар мурожаатчи ўз хабарини тасдиқлаш учун қўшимча материалларга, масалан, фотоматериаллар, ҳужжатлар, аудио ва видеоёзувларга эга бўлса, мурожаатни қабул қилишга масъул ходим уларни тақдим этиш бўйича фойдаланиладиган алоқа каналларини (телеграм боти ёки электрон почтаси)ни кўрсатади ва тақдим этиладиган маълумотни конфеденциаллигини билдиради. Мазкур маълумотлар тааллуқли хабарга илова сифатида расмийлаштирилади.

11. Вилоят ҳокимининг имзоси билан тааллуқли хабарни тезкорлик билан таҳлил қилиш ва кўриб чиқиш учун ҳокимликнинг коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбасига юборилади.

12. Вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси тааллуқли хабарни олгандан кейин 1 (бир) соат ичида уни иловага мувофиқ шаклда ҳокимликда коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш реестрида (кейинги ўринларда – Реестр) рўйхатга олиши ва ушбу Регламентнинг 4-бобига мувофиқ кўриб чиқиши лозим.

13 Вилоят ҳокимлигининг мурожаатларни қабул қилиш бўйича масъул шахси, мурожаатчиларга ходим томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида аноним хабарлар белгиланган тартибда қолдириш имкониятини беради.

Аноним хабар келиб тушган тақдирда ҳокимликнинг масъул ходими, имкон мавжуд

бўлган тақдирда, қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

хокимликга келиб тушган хабарга жавоб бериш учун мурожаатчи билан боғлана олмасликлари мумкинлиги ҳақида маълум қилади;

қўшимча зарур маълумот олиш имконияти бўлмаган тақдирда хабарни тўлиқ ва ҳар томонлама ўргана олмасликларини билдиради;

мурожаатчига у билан боғланиш учун аноним алоқа канали ташкил қилишни таклиф қилади (шахс кўрсатилмаган электрон почта манзили ва б.);

мурожаатчи ўз аризасидан воз кечмаган тақдирда, мазкур Регламентда назарда тутилган тартибда хабарни қабул қилиши шарт.

14. Вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси, хабарларни кўриб чиқиш жараёнида ҳокимлик ходимлари томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этишнинг сабаб ва шарт-шароитлари ҳам таҳлил қилинади ва келгусида уларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилади.

15. Олинган хабарлар бўйича барча тааллуқли материаллар, ҳужжатлар ва маълумотлар (шу жумладан, қабул қилинган қарорлар ва мурожаатчиларга юборилган жавоблар) вилоят ҳокимлиги коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган муддатгача (*Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 июндаги “Архив иши тўғрисида”ги ЎРҚ-252-сон Қонунига асосан*) сақланиши керак.

16. Вилоят ҳокимлиги коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси ўзларининг Реестрини юритади.

4-боб. Коррупциявий ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни кўриб чиқиш

17. вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳуқуқбузарликларга доир келиб тушган барча хабарлар вилоят ҳокимлиги коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси масъул ходимлари ёки вилоят ҳокими топшириғига асосан бошқа бўлинмалар томонидан ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

18. Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқиш жараёнда, ҳаракатлари устидан тааллуқли хабар келиб тушган ёки кўриб чиқиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган ходимларни жалб қилиш ман этилади.

19. Тааллуқли хабар келиб тушганда вилоят ҳокимлиги коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси масъуллари томонидан дастлабки текшириш ўтказиб, унинг тааллуқлилигини таҳлил қилади, яъни хабарда кўрсатилган маълумотнинг ҳокимлик тизимига тааллуқли коррупцияга оид ҳуқуқбузарликка ва (ёки) манфаатлар тўқнашувига тегишлилигини текширади.

Дастлабки текшириш тааллуқли хабар вилоят ҳокимлиги коррупцияга қарши ички

назорат қилиш шўъбасига келиб тушган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида амалга оширилади.

20. Мазкур Регламентнинг 19-бандида назарда тутилган дастлабки текшириш натижаларидан қатъий назар, бу ҳақдаги ахборот Реестрга киритилади.

21. Агар вилоят ҳокимлиги коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси ходими хабар тааллуқли эмас деган хулосага келса, бу хабар бир иш куни ичида ҳокимликнинг тегишли тузилмасига билдирги асосида ўтказилиши лозим.

22. Агар хабарда коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақида маълумот ҳамда хизмат текширувини ўтказиш учун етарли асослар мавжуд бўлса, вилоят ҳокимлиги коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси ходими ички идоравий ҳужжатда белгиланган тартибда хизмат текширувини ўтказиш ташаббуси билан чиқади.

23. Тааллуқли хабарларни мазмунан кўриб чиқиш вилоят ҳокимлигига келиб тушган кундан эътиборан бир ой ичида, текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари, вилоят ҳокими томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига (аноним мурожаатлардан ташқари) хабар қилинади.

24. Мурожаатга жавоб вилоят ҳокимлиги коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси томонидан тайёрланиб, вилоят ҳокими ёки унинг биринчи ўринбосари имзоси билан расмийлаштирилади.

25. Тааллуқли хабарларни кўриб чиқиш якунларига кўра ўрганиш натижалари ва қўлланилган таъсир чоралари кўрсатилган жавоб хати тайёрланади ва белгиланган тартибда мурожаатчига юборилади.

26. Ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ва телеграм-бот орқали келиб тушган тааллуқли хабарга жавоб мурожаатчига электрон шаклда ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ёки телеграм-бот орқали юборилади.

5-боб. Ҳисобдорлик

27. Реестрдан вилоят ҳокимлиги коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси ходимлари, хабарларни кўриб чиқишда иштирок этган тегишли бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг ходимлари (фақат шундай хабарларга доир), вилоят ҳокими ва унинг биринчи ўринбосари фойдаланиши мумкин.

28. Реестр маълумотлари асосида вилоят ҳокимлиги коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси томонидан ҳар чоракда вилоят ҳокимига қабул қилинган коррупциявий ҳаракатлар тўғрисидаги хабарларга тааллуқли бўлган ҳисоботни тақдим этади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

келиб тушган тааллуқли хабарлар ва кўриб чиқилган тааллуқли хабарлар сони;

коррупциявий ҳаракатлар, манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тасдиқланган

тааллуқли хабарлар сони;

кўриб чиқиш муддатлари бузилган тааллуқли хабарлар сони;

тааллуқли хабарларни кўриб чиқишнинг ўртача муддати;

мурожаатчилар томонидан энг кўп фойдаланиладиган алоқа каналлари ва бошқа статистик маълумотлар.

6-боб. Яқуний қоида

29. Мазкур Регламент талабларини бузиш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

30. Мазкур Регламент, мурожаатлар ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ўзгарганда қайта кўриб чиқилиши лозим.



**Алоқа каналлари орқали
коррупциявий хатти-ҳаракатлар
тўғрисида келиб тушган
хабарларни қабул қилиш ва
кўриб чиқиш регламентига
илова**

**Ҳокимликда коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш
РЕЕСТРИ**

№	Хабар келиб тушган сана	Қўлла	Хабарнинг сифати (коррупциявий сатҳи агарини, манфаатлар тўғрисида)	Мурожаатлар йўналиши (ҳокимлик раёсати ва бошқа орган ва раёсати)	Хабар етказилган вақти (кун)	Мурожаатчи шахсларнинг (шумолий йил, яшаш жойи, алоқа маълумотлари)	Хабарнинг қилини ва тартиби	Хабар талқин қилинган вақти	Ўзгариш қилини ва тартиби (ҳокимлик раёсати ва бошқа орган ва раёсати)	Мурожаатчи ва хабар етказилган орган ва раёсати	Ҳарокат	Хабарни кўриб чиқиш тартиби ва вақти	Шарҳ